*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
12 сентябрь
ШАНБА
№ 73 (12813)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!



# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ

## *аҳоли турмуш даражаси юксалиши ва мамлакат тараққиётига хизмат қилади*

Бугунги кунда кичик бизнес иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва халқ фаровонлигини юксалтиришда тобора катта аҳамият касб этиб бормоқда.

Истиқлол йилларида барча соҳалар қатори ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, саноат соҳасини модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мақсадли дастурлар ижроси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, иқтисодий ислоҳотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини изчил такомиллаштириш орқали тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилди. Хусусий мулк ҳуқуқлари ва унинг ҳимояси мустаҳкамланди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонуни, жумладан, янги таҳрирдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Шаҳар ва туманларда ахборот-маслаҳат маркази, риэлторлик, бухгалтерия ҳужжатларини юритиш бўйича тадбиркорларга кўмаклашувчи корхоналар фаолияти такомиллаштирилди. Адвокатлик бюролари, брокерлик идоралари, тижорат банклари филиаллари ва суғурта компаниялари бўлинмалари мижозларга тез, қулай ва ишончли хизмат кўрсатиб, соҳа изчил ривожлана бошлади.

Бу ишлар натижасида шу йилнинг ўтган даврида вилоятда иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги таъминланди. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2, кўрсатилган хизматлар 12,8, чакана савдо айланмаси 16,9, пулли хизматлар кўрсатиш 11,9 фоиз ўсди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

(Давоми 2-бетда).

**Давлатимиз хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, саломатлиги, иқтидорини намоён этиши, тадбиркорлик, спорт билан шуғулланиши борасида тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан жойларда Аёллар маслаҳат марказлари ташкил этилгани ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Биз вилоят Аёллар маслаҳат маркази раҳбари Дилором Тошматовага амалга оширилаётган ишлар юзасидан бир нечта савол билан юзландик.**

# ҚУВОНЧЛАРИГА ШЕРИКМИЗ

– **Вилоят ва туманларда бундай маслаҳат марказлари ташкил этилишига нима сабаб бўлди?**

– Ўтган йилнинг 29 октябрида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарувининг қўшма қарори асосида вилоятимизда Аёллар маслаҳат маркази ташкил этилди. Маълумки, айрим аёлларнинг ўз яқинларига ҳам айта олмайдиган сирлари бўлади. Сабаби, кун келиб бировга айтган дилидаги гаплар ошкор бўлиши, яъни, уйнинг сири кўчага чиқишидан чўчийдилар. Бундай аёлларга тўғри йўл кўрсатиш, уларга руҳий далда бўлиш, муаммоларини ечишга кўмаклашиш бизнинг асосий вазифамиздир. Марказ хотин-қизлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш, тиббий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, диний экстремизм, одам савдоси каби иллатлар домига тушиб қолишдан асраш, оилани мустаҳкамлаш, айрим оилавий келишмовчиликларни оқилона ҳал этиш каби қатор масалалар бўйича уларга яқин сирдош ва кўмакчидир.

(Давоми 3-бетда).

# АНИҚ ТАШҲИС, СИФАТЛИ МУОЛАЖА

**Мустақилликнинг илк кунлариданоқ соғлиқни сақлаш тизимида туб ислоҳотлар бошланиб, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, шу билан бирга аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга пухта замин яратилди. Бунда республика Президенти Қарорига мувофиқ Жаҳон банкининг халқаро тараққиёт уюшмаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Саломатлик-1", "Саломатлик-2", "Саломатлик-3" лойиҳалари ижроси муҳим аҳамиятга эга.**

– "Саломатлик-1" лойиҳаси доирасида вилоятимиздаги 200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари замонавий талаблар асосида жиҳозланди, керакли асбоб-ускуналар билан таъминланди, – дейди "Саломатлик-3" лойиҳасининг вилоят бўйича регионал директори Гулнора Тўхтаназарова. – Шаҳар ва туманлардаги туғуруқхоналар ҳамда болалар бўлимлари "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида замон талаблари андозаларига мослаштирилди. Шунингдек, шифокорлар малакаси оширилди. "Саломатлик-3" доирасида Паркент ва Қибрай туманларида кўп тармоқли тиббиёт бирлашмалари янгидан қурилиб, энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Янги тиббиёт бирлашмасидаги шарт-шароитларни кўриш мақсадида Қибрайга бордик. Йўл четида қад ростлаган бино туман кўркига кўрк қўшибди. 2014 йилда бошланган қурилиш салкам бир йил давом этди. Қурилиш-монтаж ишларига давлат бюджетидан 3 миллиард 600 миллион сўм ажратилди.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро ҳамкорлик



# ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН

**Вилоят ҳокимлигига Хитой Халқ Республикасининг Цзянсу вилояти ташқи ишлар департаменти директори ўринбосари Хуан Сицян бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.**

Вилоят ҳокими ўринбосари Анвар Абдуқодиров меҳмонларни самимий қутлар экан, мазкур учрашув Тошкент вилоятининг Цзянсу вилояти билан келгусида ўзаро манфаатли алоқаларини мустаҳкам йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Хитой давлатлари раҳбарларининг 2-3 сентябрь кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлари ўзаро муносабатлар ривожида муҳим воқеа бўлгани қайд этилди. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам стратегик шерикликка асосланган бўлиб, ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча йўналишлари бўйича изчил ривожланиб бормоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан биридир. Буни Тошкент вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айни пайтда воҳадаги 550 дан зиёд қўшма корхонанинг саксондан ортиғи хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бораётир. Хусусан, 2014 йилда бу кўрсаткич 332,4 миллион АҚШ долларига етди. Шу йилнинг ўтган етти ойида ўзаро савдо айланмаси 14,3 фоиз ўсди. "ПолиТекноложи" компанияси билан ҳамкорликда Ангренда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Суҳбат чоғида А. Абдуқодиров Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, мамлакатимизда хорижлик сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар берди. Томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашди.

Хуан Сицян вилоят ҳокими ўринбосари А. Абдуқодировга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида вилоят ҳокимлигининг масъул ходимларини Цзянсу провинциясига таклиф этди.

**Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

# САДОҚАТ ТАНЛОВИ

**Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида ҳарбий мутахассисликлар буйича таъсис этилган кўрик-танловлар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ҳамда анъанага айланган кўрик-танловлар самараси ўлароқ, йилдан йилга ҳарбий хизмат нуфузи ошиб, профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз сафлари маҳоратли, интеллектуал салоҳиятли, мард ва жасур юрт ҳимоячилари билан мустаҳкамланиб бораётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Замонавий армиянинг посбони нафақат жанговар билимларни пухта эгаллаган бўлмоғи, балки интеллектуал салоҳияти ҳам юксак бўлиши, ҳар қандай вазиятда етакчилик қобилиятини намоён эта олиши лозимлиги талаб этилмоқда. Бу жараёнда эса, тинимсиз изланиш, билим ва малакани ошириб бориш ҳамда ўқиб-ўрганиш муҳим ўрин тутади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама етук, ўз касби, мутахассислигининг моҳир устаси, бурчига ва шарафли номига муносиб бўлишида Қуролли Кучларда таъсис этилган кўрик-танловларнинг аҳамияти чексиз.

Матбуот анжуманида журналистларга "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий мутахассисликлар бўйича таъсис этилган кўрик-танловлар" тўғрисида маълумотлар етказилиб, улар ҳақида видеолавҳа намойиш этилди.

**"Туркистон-пресс".**

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлари суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва жазоларни либераллаштириш ҳаракатининг давоми бўлиб, ўзгартиришлар ҳаётда ўз ўрнини топмоқда.**

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, амалдаги 6 та Қонун ва 5 та Кодексларга ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгаришга кўра "Агар шахс чет давлат фойдасини кўзлаб фаолият юритиш ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш орқали жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бўлса ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилиши мумкин"лиги белгилаб қўйилди. "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиришга кўра, прокуратура органларига "Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган текширувлар давомида давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳужжатлари аниқланган тақдирда, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади. Давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг ҳужжатлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда камситаётган бўлса, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёхуд бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиши мумкин" деб белгиланди.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига ўзгартириш киритилиб, "Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади" деб белгиланди.

Шунингдек, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида", "Терроризмга қарши кураш тўғрисида" ва "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунларга ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси янги модда билан тўлдирилиб, "озодликни чеклаш" янги жазо тури белгиланди. Унга кўра, суд маҳкумга яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлаши ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклаши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ

ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга эркинлик бериш ва ривожлантириш йўлида учраётган тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар натижасида мазкур секторнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши ўтган йилги 41,3 фоиздан 41,9 фоизга етди.

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлари" мавзуида ўтказилган вилоят конференция-семинарида вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов ва бошқалар томонидан бу алоҳида таъкидланди. Вилоят ҳокими, жумладан, шундай деди:

– Давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 май куни қабул қилинган Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган манзилли дастур тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ барча тартиботларни янада соддалаштириш ҳамда уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

(Давоми. Боши 1-бетда).





Ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат қилувчи ва суд органлари вакиллари, вилоят шаҳар ва туманларидан келган тадбиркор, фермерлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган анжуманда Президентнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш тамойиллари муҳокама қилинди.

Қайд қилинганидек, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳам қонуний мустаҳкамланди. Энди қонунчиликда бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектлари фойдасига ҳал қилинади. Бундан ташқари, сўнгги 4 йилда 167 рухсат бериш тартиб-таомили, лицензия бериладиган 19 турдаги фаолият, шунингдек, 65 турдаги статистика ва 6 турдаги солиқ ҳисоботи бекор қилинди, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш учун йиғимлар 2 баробар камайтирилди.

Бунинг самарасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугун 56 фоизга етди. Айни пайтда банд бўлган аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ушбу соҳада меҳнат қилаётир. Кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўрта мулкдорлар синфи шакллантирилиб, улар миллий иқтисодиётимизнинг ривожига катта ҳисса қўшмоқда, минглаб янги иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашмоқда.

– Юртбошимизнинг юқоридаги Фармони тадбиркорлик фаолиятининг барча қирраларини қамраб олган, – дейди Зангиота туманидаги "Master energy service" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алишер Ғофуров. – Бундан 15 йиллар аввал корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳафталаб вақт сарфланарди. Бугунга келиб тегишли тартибда рўйхатдан ўтиш, солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш электрон шаклда амалга ошириладиган бўлди. Президентимиз фармонида туман ҳокимликлари ҳузуридаги "бир дарча" фаолиятини такомиллаштириш юзасидан белгилаб берилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларини рухсат беришга оид турли ҳужжат ва лицензияларни олиш билан боғлиқ ташвишлардан халос этади. Конференция-семинар давомида Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига тўсқинлик қилаётган ғовларни бартараф этишда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақидаги маърузаларни тинглаб, биз, тадбиркорлар ҳам қўл қовуштириб турмай, имконият ва имтиёзлардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш суръатларини янада ошириб боришимиз зарур, деган хулосага келдим.

Конференцияда вилоят прокурори Ж. Файзиев, Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Қ. Маматисаев, Адлия бошқармаси бошлиғи Л. Мусашайхов ва бошқалар хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган ишларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Конференция-семинар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларининг маърузалари ҳамда муҳокама, савол-жавоблар билан ниҳоясига етди.

**Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек, унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин.

Озодликни чеклаш ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Жиноят кодексига яна бир янги модда киритилиб, вояга етмаганларга озодликни чеклаш жазоси 6 ойдан 2 йилгача муддатга тайинланиши белгилаб қўйилди.

Озодликдан чеклаш жазо тури Жиноят кодексининг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган моддаларига киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига ҳам ўзгартириш киритилиб, озодликни чеклаш жазо турини қўллаш тартиби белгиланган моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан 33 та Қонун ва 10 та Кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида", "Аудиторлик фаолияти тўғрисида", "Гаров тўғрисида", "Банкротлик тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Давлат божхона хизмати тўғрисида", "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида", "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида", "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, 189-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари чиқариб ташланди.

Кодекс тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятларга оид боб билан тўлдирилди.

Бунга асосан, хусусий мулк ҳуқуқини бузганлик, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхталиб туриш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб варақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш ҳамда нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Мансабдор шахс тушунчаси киритилиб, "масъул мансабдор шахс" деган атама чиқариб ташланди.

**Дилшод ИСМОИЛОВ, вилоят прокурорининг матбуот хизмати бўйича катта ёрдамчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сайёр йиғилиш

# МАҚСАД – КЎП ТАРМОҚЛИЛИК

**Бекобод туманидаги "Бекобод қўрғони" фермер хўжалиги даласида вилоят фермерлар кенгашининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.**



Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг биринчи ярмида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларини амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга бағишланган йиғилиши баённомасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, вилоят фермерлар кенгаши ва унинг ташкилотлари йилнинг 2-чорагида амалга оширган ишларни сарҳисоб қилиш ҳамда кўп тармоқли хўжаликларни кўпайтириш ва ривожланишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган мулоқотда вилоят фермерлар кенгаши, кенгашнинг барча тизим ташкилотлари ва туман ҳокимлиги вакиллари, кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Бекобод қўрғони" кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятини акс эттирувчи кўргазма билан бошланган йиғилишда республикамизда фермер хўжаликларини кўп тармоқли қилиш ва ривожлантиришга қаратилган ишлар, туман фермерлар кенгашларининг фермер хўжаликлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ижро интизоми, вилоят прокуратурасининг "Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида"ги тақдимномаси ҳамда бу йилги пахта йиғим-терим мавсумини уюшқоқликда ўтказиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Аваз ИСРОИЛОВ.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

Тадбиркорлик

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган қулай шарт-шароит ва берилаётган имтиёзлар натижасида маҳаллий хом ашёдан сифатли ва рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда. Эътиборлиси, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бугун жаҳон бозорида ҳам ўз харидорига эга бўлмоқда.**



# ИШБИЛАРМОННИНГ ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАСИ

Ангренлик ишбилармон Шоҳиста Мадиёрова Дукент шаҳарчасида хусусий корхона ташкил этиб, энг илғор технологиялар асосида турли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. 2015 йил унинг учун омадли келди. Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган "Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси" танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, энг яхши лойиҳа соҳибаси, деб топилиб, банкнинг 150 миллион сўм имтиёзли кредитини олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ш. Мадиёрова шу маблағ ҳисобидан яна битта цех ташкил этишни режаламоқда. Тадбиркорнинг айтишича, келгусида бу ерда ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотлар экспорт қилишга мўлжалланган бўлиб, юз фоиз пахтадан тайёрланади ҳамда юқори сифати, бичими ва дизайни билан халқаро талабларга мос келади.

Энг муҳими, корхонада 25 та янги иш ўринлари барпо этилади. Меҳнат қилаётганларнинг 4 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчилари, қолганлари Улуғбек, "Зарбулоқ", "Оқпартак" ва "Обод" маҳаллаларида истиқомат қилувчи хотин-қиз ва ёшлардир.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Туҳфа

# АНИҚ ТАШҲИС, СИФАТЛИ МУОЛАЖА

Тиббий муассаса таркибида болалар, ўсмирлар, стоматология, рентген, тери-таносил ва сил касалликлари каби 9 та бўлим бор. Шунингдек, кардиолог, невропатолог, ревматолог, травматолог, жарроҳ, эндокринолог каби 120 малакали шифокор ва 260 ўрта-тиббий ходимлар 215 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатаяпти. Қолаверса, муассаса тумандаги 22 та қишлоқ врачлик пунктларига маслаҳат маркази сифатида кўмак беради.

– "Саломатлик-3" лойиҳаси асосида барча асбоб-ускуналар янгиланди, – дейди муассаса мудири Миркомил Исаев. – Бунга 130 миллион сўм сарф қилинди. Энг муҳими, бу ташҳис сифатини яхшилади. Бундан беморлар ҳам, шифокорлар ҳам мамнун.

– Бизга "Lanshint Meror 2" номли янги УЗИ аппарати берилди, – дейди гинеколог Нигора Абдуллаева. – Бу айниқса, ҳомиладорлар ишини енгиллаштирди. Энди скрининг, доплер учун узоққа боришлари шарт эмас. Аниқ ташҳис ҳам, сифатли муолажа ҳам ўзимизда.

Дарҳақиқат, муассасанинг барча бўлимларига замонавий тиббий ускуналар берилган. "Pentex LH-15 OPC" эндоскопия, "РМК-200" ва "WG-XPC" каби кўз касалликларини ва "ТОРЧ" инфекциясини аниқловчи лаборатория жиҳозлари шулар жумласидандир.

– Гипофес микроаденомаси ташҳиси қўйилганида тушкунликка тушдим, – дейди қибрайлик Робия Маҳкамова. – Бироқ, бу ердаги малакали шифокорлар тез орада бутунлай соғайишимни айтишди. Дориларни ўз вақтида ичсам кифоя экан.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида муассасада кўчма бригадалар ташкил қилиниб, чуқурлаштирилган тиббий кўрик уюштирилди.

Натижада тумандаги 17 нафар Иккинчи жаҳон уруши, 392 нафар меҳнат фронти қатнашчилари соғломлаштирилди. Бу 60 ёшдан ошган 17 мингдан зиёд нуроний отахон ва онахонлар учун ҳам айни муддао бўлди.

**Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).





ЭЪЛОНЛАР

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисидаги Низом"га асосан қуйидаги таълим мауассасасининг вакант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| Т/р | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| 1. | ТКТИ қошидаги Чирчиқ академик лицейи | Чирчиқ шаҳар, Истиқбол кўчаси, 2-А уй. |
| 2. | Оққўрғон транспорт ва сервис КҲК | Оққўрғон тумани, Аччи ҚФЙ |
| 3. | Бекобод агросервис ва иқтисодиёт КҲК | Бекобод тумани, Ғалаба ФУ |
| 4. | Ўрта Чирчиқ қурилиш ва иқтисодиёт КХК | Ўрта Чирчиқ тумани, Ўртасарой ҚФЙ, Ф. Йўлбарисов кўчаси |

Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, КҲКнинг таълим йўналишларида камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот); таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, КҲКнинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари" малака талабларига жавоб бериши керак.

**ТАЪЛИМ МУАССАСА ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига ТАНЛОВ эълон қилади:

**Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:**

1. Янгийўл қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи;
2. Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт коллежи;
3. Зангиота қурилиш ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи;
4. Зангиота маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи;
5. Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи.

**Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:**

1. Пискент хизмат кўрсатиш ва технология касб-ҳунар коллежи;
2. Ангрен политехника касб-ҳунар коллежи;
3. Ўрта Чирчиқ қурилиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи;
4. Бўка маиший хизмат касб-ҳунар коллежи;
5. Пискент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи.

**Директор ўринбосари лавозимига танловида иштирок этувчи номзодлар:**

**а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига** академик лицей, КҲКнинг таълим йўналишларидан камида биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно)ли ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас;

**б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига** ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас;

**в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига** КҲКнинг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот ва 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган номзодлар иштирок этишлари ҳамда 2008 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1845-1-сон билан рўйхатга олинган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака талабларини қўллаш бўйича йўриқнома" малакавий талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари" малака талабларига жавоб бериши керак.

**Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади.**

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровноманинг асли (сўровноманинг барча бандлари аниқ, тўлиқ ва қисқартиришларсиз ўз қўли билан тўлдирилиши керак);
3. Таржимаи ҳол (қўлёзма);
4. Маълумотнома (справка-объективка);
5. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (кадрлар бўйича инспектор томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Диплом нусхаси (тамомлаган олий таълим муассасаси томонидан дипломининг ҳаққоний эканлиги ҳақида гербли муҳри билан тасдиқланган маълумотнома);
7. Тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;
8. ИИБдан маълумотноманинг асли;
9. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси (уларнинг ҳаққонийлиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжат);
10. Паспорт нусхаси;
11. Ҳарбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);
12. 6 та фотосурат (3х4);
13. ИНН, пенсия жамғариб бориладиган дафтарча нусхалари;
14. Концепция (номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси).

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй. Маълумот учун телефон: 150-40-37.**

Тарбия

# БОҒЧАДАГИ ЖАЖЖИ ИСТЕЪДОДЛАР

**"Бола бошидан" деганларидек, кичкинтойнинг вақти келиб қандай касб эгаси бўлишини ёшлигиданоқ тахмин қилиш мумкин. Бироқ, унинг комил инсон бўлиб вояга етишида аввало мактабгача таълим муассасасининг ўрни бўлакча.**

– Бу йил 30 ўғил-қизимиз ўқувчи бўлди, – дейди Паркент туманидаги 11-мактабгача таълим муассасаси мудираси Дилором Абдуллаева. – Уларнинг бошқа болажонлардан фарқи шундаки, дарсда ўтириш, ўзини тутиш кўникмаси шаклланган бўлади. Шунингдек, улар ўқиш, ёзиш, чизиш билан бирга шеър ёдлашга ўрганишган. Ўз навбатида, бу устозга дарс ўтиш жараёнини енгиллаштиради.

Муассаса 2013 йилда тўлиқ таъмирланиб, замон талабларига мослаштирилган. Зарур жиҳозлар, турли ўйинчоқлар, эртак китоблари билан тўлиқ таъминланган.





Вазирлар Маҳкамасининг "Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида болаларни йигирма тўрт турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг хилма-хиллигига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, турли шарбатлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Қолаверса, Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ҳафтада икки марта чет тили дарслари ўтилади.

– Инглиз тили ҳарфларини, санашни биламан, – деди Элбек Қўчқоров ва инглиз тилида "Mother" шеърини айтиб берди. Суҳбат чоғида Элбек: "Катта бўлсам таржимон бўламан" деб қўшиб қўйди.

Дарҳақиқат, муассасада таълим-тарбия олаётган 165 ўғил-қизнинг олам-олам орзулари бор. Бу орзулар замирида Ватанга хизмат қилишдек улкан мақсад мужассам.

Муассасада "Зумрадойлар", "Соғломжон – полвонжон", "Жажжи истеъдодлар" каби кўрик-танловлар уюштирилади. Унда болалар санъат ва спортдаги маҳоратларини намойиш этадилар. Бунда уларга 15 га яқин тарбиячи опалари ёрдам берадилар.

– Мусиқа ва рақс дарси менга жудаям ёқади, – дейди 5 ёшли Робия Арслонбоева. – Айниқса, Хоразм лазгисига рақсга тушишни яхши кўраман. Катта бўлсам, сочи узун раққоса бўламан.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**




## ГРЕЦИЯ ЕВРОЗОНАДАН ЧИҚАРИЛИШИ МУМКИН...

**Еврокомиссия раиси Жан-Клод Юнкер Reuters агентлигига берган баённомасида таъкидланишига қараганда, агар Греция ҳукумати аввал маъқулланган иқтисодий чора-тадбирларни тан олмайдиган бўлса, Брюссель Грецияни еврозонада сақлаб қолиш ҳаракатидан воз кечади.**

"Биз тегишли дастур тўғрисида келишувга эришдик, – деди еврокомиссия раиси. – Энди мен Грециянинг бундан буёнги барча ҳукуматлари ушбу битимга амал қилишларини истайман". Шунингдек, Юнкер кейинги ойларда турли давлатларнинг сиёсатчи ва экспертлари тез-тез тилга олаётган гўё Греция еврозонадан чиқарилиши зарурлиги ҳақидаги сўзларидан безовта бўлаётганини таъкидлади. "Бироқ, ўша келишувга амал қилинмайдиган бўлса, Европа Иттифоқи ҳамда еврозона бу сафар бундай хатти-ҳаракатга ўзгача муносабат билдиради", деди еврокомиссия раиси.

Грецияда янги ҳукумат 20 сентябрда бўлиб ўтадиган парламент сайловларидан сўнг тузилади.

## ЦИН СУЛОЛАСИНИНГ СОХТА МАЛИКАСИ

**Хитой суди ўзини Цин сулоласи маликаси деб таништириб, одамлардан пул қарз олиб юрган аёлни фирибгарликда айблади ва 13,5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.**

"Синхуа" агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, 45 ёшли Ван фамилияли бу аёл ўзини Чанпин деб таништириб, одамларни Хитойнинг энг сўнгги императори сулоласининг охирги меросхўри эканига ишонтирган. Унинг таъкидлашича, 28 миллион доллар меросга эга бўлиши керак. Бироқ, ҳукумат унинг бу гўё қонуний ҳуқуқини тан олмади. Одамлардан қарз олиш жараёнида меросни қўлга киритганидан сўнг бу пулларни қайтаришни ваъда қилган. Шу йўл билан фирибгар аёл ва унинг ҳамтовоғи 2013 йилнинг февралидан 2014 йилнинг июлига қадар 380 минг доллар ишлашди.

Сиан шаҳри суди Ван зиммасига фирибгарлик йўли билан олган пулларини жабрланганларга бус-бутун қайтариш мажбуриятини юклади. Сохта маликанинг ҳамтовоғига ҳам 12 йил қамоқ жазоси тайинланди.

## ГАРОВДАГИ ТУРМА ХОДИМИ ҚУТҚАРИЛДИ

**Франциянинг шимолидаги турмалардан бирида маҳбус гаровга олган турма бошлиғининг ўринбосари махсус кучлар ходимлари томонидан озод қилинди.**

Франс Пресс агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, ўта хавфли бўлган ашаддий жиноятчи ясама пичоқ билан қуролланган экан. Бироқ, қутқарув операцияси жараёнида гаровдаги турма ходими жабр кўрмади.

Маҳаллий телеканаллардан бирининг намойиш этишича, асли гваделупалик бўлган 34 ёшли Фабрис Бороме турма бошлиғи ўринбосарини учрашувлар хонасида гаровга олишга муваффақ бўлган. Бироз илгарироқ эса ушбу маҳбус ўзини Гваделупадаги турмалардан бирига ўтказишларини талаб қилган эди.

## ЯПОНИЯДА КУЧЛИ ТЎФОН

**Япониянинг Айти префектурасига бостириб келган "Кило" тўфони оқибатида олти киши жиддий жабр кўрди.**

Тўфондан сўнг метеорологлар аҳолини ер кўчкилари, кучли жала ва қуюн юз бериши ҳақида огоҳлантирдилар. Олимларнинг огоҳлантиришлари муносабати билан маҳаллий ҳукумат Айти префектурасининг 50 мингдан зиёд аҳолисини кўчиришга олдиндан тайёргарлик кўрди. Тез ёрдам ҳамда травматология бўлимлари енгил жароҳат олган беморларни рўйхатдан ўтказди. Аэропортда халқаро авиарейслар бекор қилинди, автомобиль ҳаракати ҳам тўхтатилди. Сўнгги маълумотларга қараганда, тўфон денгиз томон тез ҳаракат қилиб, ўтган пайшанба куни Айти ҳудудини тарк этди.

## ЕЛИЗАВЕТА II НИНГ АНТИҚА РЕКОРДИ

**Британия қироличаси Елизавета II 2015 йил 9 сентябрь куни кечқурун мамлакатнинг энг узоқ муддат ҳукмронлик қилган монархига айлангани ҳақида хабар тарқатди The Telegraph газетаси.**

Ушбу ҳукмдор катта бувиси (буваси)нинг онаси бўлган қиролича Викториянинг рекордини янгилади. Яъни, Британия қироличаси тахтда 63 йил 7 ой ва икки кундан зиёд ҳукмдорлик қилди.

Ушбу воқеа муносабати билан ўтадиган байрам тантаналари жараёнида қиролича умр йўлдоши, Эдинбург герцоги ҳамроҳлигида поездда Эдинбургдан Твидбэнкка икки соатли саёҳатга чиқади. Ушбу йўналишнинг охирги нуқтасида қиролича нутқ сўзлаб, шундай узоқ муддат давомида унга ишонч билдириб келган фуқароларга миннатдорчилик изҳор этади.

Қиролликнинг пул зарб этиш саройи қиймати 20 фунт стерлинг бўлган кумуш танга чиқаради. Унинг бир томонидаги "Энг узоқ подшолик" ёзуви устида Елизавета II нинг ҳукмдорлик қилган йилларида зарб этилган пулларда тасвирланган бешта портрети жойлаштирилади.

Елизавета II 1926 йил 21 апрелда Лондонда герцог ва герцогина Йоркскихлар оиласида таваллуд топган. 1953 йил 2 июнда Лондондаги Вестминстер қалъасида уни расмий тахтга ўтказиш маросими ташкил этилган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ЭЪЛОНЛАР

"Ипотека-банк" АТИБ Оҳангарон филиали банк филиалига тегишли бўлган, Оққўрғон тумани, Оққўрғон шаҳри, Яралихўжаев кўчасида жойлашган "Оққўрғон" минибанки "Кўчмас мулк биржаси савдоси" орқали сотувга қўйилганлигини маълум қилади.

"Оққўрғон" минибанки 1 қаватли бино бўлиб, гараж, қозонхона, электрщит хонаси ва 8 та иш хонасидан иборат, умумий майдони 2297 кв.м, шундан қурилиш ости ер майдони 847,99 кв.м, ҳовли ва боғ 1449,01 кв.м.ни ташкил этади.

Мурожаат учун телефонлар: 150-40-52, 150-40-57.

Мусобақалар ва натижалар

# ВИЛОЯТИМИЗ ҚИЗЛАРИ КУБОК СОҲИБИ

**Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида "Яшил майдон маликалари" республика спорт мусобақасининг финал учрашуви ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Мамлакатимизда ёшлар, айниқса, қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон футбол федерацияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда қизлар ўртасида футбол бўйича ўтказилган "Яшил майдон маликалари" республика спорт мусобақаси ана шулар сирасидандир.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган мазкур турнир қизлар ўртасида футболни янада оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Мусобақанинг очилишида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б. Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, истеъдодини намоён этиши учун барча шарт-шароит яратилаётганини таъкидлади.

Қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, аёллар футболини янада оммалаштириш, ҳаваскор спортчиларнинг тажриба ва маҳоратини ошириш мақсадида ташкил этилган мусобақанинг қуйи босқичларида минг нафардан ортиқ ҳаваскор иштирок этди. Мусобақанинг финал босқичида энг кучли тўрт жамоа баҳслашди.

Биринчи ўрин учун бўлиб ўтган учрашувда Тошкент вилояти жамоаси Фарғона вилояти вакиллари устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва мусобақа бош совринини қўлга киритди.

Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари жамоалари ўртасида учинчи ўрин учун кечган ўйинда қашқадарёлик қизлар рақибларидан 1:0 ҳисобида устун келди.



– Кубок соҳибига айланганимиздан хурсандмиз, – дейди жамоа аъзоси Мавлуда Комилжонова. – Турнир давомида ҳеч бир ғалабага осонликча эришганимиз йўқ. Бундай спорт тадбирлари биз, ёшларни ҳар томонлама тоблантириб, тенгдошларимиз билан ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Тадбирда эстрада хонандалари иштирокида концерт намойиш этилди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 07.05.2014 йилда № 004605-11 реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган «TAYFUN PLASTIK» масъулияти чекланган жамияти «TAYFUN PLASTIK» хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади. Телефон: (+99890) 949-76-57.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига Пискент СИБ томонидан, ФИБ Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 2015 йил 7 апрелдаги 2085-сонли ижро варақасига асосан, "Душаев Элёр" Д.Хга тегишли, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Х. Кодирова Ф.Х, Қориз Қ.Ф.Йда жойлашган, қурилиш ости майдони 202,2 кв.м бўлган, мол-хона ва болахона биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 25 000 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Бўстонлиқ туман СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти, Қибрай туманлараро судининг 2012 йил 19 мартдаги 1-49/12-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Нанай ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 326 кв.м., бўлган 3 та яшаш хонасидан иборвт дала ҳовли қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 56 571 000 сўм.

III. Аукцион савдосига Янгийўл туман СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2014 йил 10 сентябрдаги 1-4676/14-сонли ижро варақасига асосан, "RANADI"МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Шўралисой ҚФЙ, Марказ маҳалласида жойлашган, умумий майдони 0.8365 гектар, идора ва маданият саройи биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 500 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 14 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 12 октябрь куни соат 16:00.

I. Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2014 йил 29 сентябрдаги 11-1434/9419-сонли ижро варақасига асосан, "Назарбекавтойўл" корхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Улуғбек кўчаси 166 уйда жойлашган, умумий ер майдони 2 614,60 кв.м бўлган, 0002-литердаги техник омбори, 0013-литердаги омборхона биноси, 0005-литердаги ТБ омбори такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 819 902 612 сўм.

II. Аукцион савдосига Янгийўл туман СИБ томонидан Тошкент вилоят Хўжалик судининг 2015 йил 18 майдаги 11-1535/4623 сонли ижро варақасига асосан, "Калган Агро Инвест" Ф.Хга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор ШФЙ, Самарқанд кўчаси, 19-уй биносининг биринчи қаватида жойлашган, умумий майдони 1285,32 кв.м, ишлаб чиқариш майдони 1037,77 кв.м бўлган, 0001-литерлаги дўкон биноси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 350 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 29 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 28 сентябрь куни соат 16:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент Минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига, Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан, ФИБ Тошкент вилояти Чирчиқ туманлараро судининг 2012 йил 29 октябрдаги № 1-3953/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Тинчлик ҚФЙ, Зерде кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 307,78 кв.м., бўлган 21-уй қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 60 000 000 сўм.

II. Аукцион савдосига, Ангрен шаҳар СИБ томонидан, Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 10 августдаги 11-1535/7176 сонли ижро варақаси ҳамда 2015 йил 12 августдаги 8707/15 ижро ишига асосан, "Angren-Pack" МЧЖ га тегишли, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Уввақ ҚФЙ, Гулбоғ аҳоли пункти ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 66,4436 га., умумий ишлаб чиқариш майдони 9225,49 кв.м. бўлган. Литер-0001 лаборатория муҳандислик биноси ва литер 0002 маъмурий маиший бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 482 156 250 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 13 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 9 октябрь куни соат 16:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 27 июлдаги 127 и/ч-сонли буйруғига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 2 сентябрда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони, Мустақиллик кўчаси, 39-уйда жойлашган, "Semurg'-shifo sanatoriyasi" давлат корхонаси, бошланғич баҳоси – 1 670 850 000 сўм, сотилиш баҳоси – 2 785 000 000 сўм.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 26 майдаги 78 и/ч-сонли буйруғига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 7 сентябрда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Зангиота ҚФЙ, "Боғзор" маҳалласида жойлашган, "Тайёр маҳсулот сақлаш омборхона биноси", бошланғич баҳоси – 411 525 000 сўм, сотилиш баҳоси – 475 000 000 сўм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3895. Адади 8089. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.45.